

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАРОВА МАФТУНА МАЖИТОВНА

**КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИ (*LEPTINOTARSA DECEMLINEATA* SAY) НИНГ
ЭНТОМОПАТОГЕН ЗАМБУРУҒЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Қаландарова Мафтуна Мажитовна

Колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say) нинг энтомопатоген
замбуруғлари ва уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Қаландарова Мафтуна Мажитовна

Энтомопатогенные грибы колорадского жука (*Leptinotarsa decemlineata*
Say) и разработка способы их применение..... 19

Қаландарова Мафтуна Мажитовна

Entomopathogenic fungi of the Colorado potato beetle (*Leptinotarsa*
decemlineata Say) and the development of methods for their application..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАРОВА МАФТУНА МАЖИТОВНА

**КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИ (*LEPTINOTARSA DECEMLINEATA* SAY) НИНГ
ЭНТОМОПАТОГЕН ЗАМБУРУҒЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Анорбаев Азимжон Раимқулович Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Холдоров Мирхалил Ўразбекович Биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____, соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; Факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ -рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 340-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Қодирова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., доцент

Н.И.Шадиева
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Х.М.Шукуров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда картошка экинни етиштириш ва уни зарарли организмлардан ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. “Озиқ-овқат ва саноат маҳсулоти сифатида картошка экинни 160 дан ортиқ мамлакатларда жами 16,49 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 300 млн. тоннадан ортиқ картошка маҳсулоти истеъмол учун етиштирилади. Жаҳонда 2020 йилда картошка етиштириш бўйича биринчи ўринда Хитой 100 млн. тоннага яқин, кейинги ўринларда Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ ва Германия давлатлари туради”¹. Ҳозирда картошка етиштириладиган мамлакатларда картошка ҳосилига салбий таъсир кўрсатиб, катта иқтисодий зарар етказадиган зараркунандалардан бири колорадо қўнғизи бўлиб, унинг зарарини олдини олиш учун зараркунандага қарши кураш усуллари картошка агробиоценозида колорадо қўнғизидан энтомопатоген замбуруғ штаммлари ажратиб олиш, уларнинг патогенлик ва вирулентлик хусусиятларини аниқлаш орқали такомиллаштириш жаҳон миқёсида муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида картошка экинида колорадо қўнғизининг (*Leptinotarsa decemlineata* Say) энтомопатоген микроорганизмларини аниқлаш, уларнинг етказадиган зарарини камайтириб, ҳосилдорликни 85-90% гача сақлаб қолишга эришиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада табиий шароитда колорадо қўнғизидан ажратиб олинган замбуруғларнинг тур таркибини аниқлаш ҳамда ушбу замбуруғларнинг патогенлик ва вирулентлик хусусиятларини аниқлаш орқали колорадо қўнғизига қарши энтомопатоген замбуруғларни қўллашнинг мақбул муддати ва меъёрларини белгилашга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамызда экологик тоза картошка маҳсулотини етиштириш учун картошкани колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш каби йўналишларда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Бу борада етиштирилган картошка ҳосилдорлигини ошириш ва сақлаб қолишнинг асосий омилларидан бири, бу уларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши курашнинг биологик усуллари ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-0605-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир

¹ <https://www.statista.com/statistics/625120/global-potato-area-harvested>. Potato area harvested worldwide 2020.

қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” фармони ҳамда 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Картошка экинининг асосий зараркунандаси колорадо қўнғизининг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва энтомопатоген микроорганизмлари бўйича хорижий олимлардан Anderson T.E., Roberts D.W., Soper, R.S., Bauer E., T. Trenzcek S. Dorn., Campbell R.K., Semel M., Roberts D.W., Casagrande R.A., Daoust R.A., Pereira R. M., Martin P.A., Schroder R.F., Poprawski T.J., Lipa J.J., Hausvater E., Rasocha V. тадқиқотлар олиб борилган. МДХ мамлакатлари олимларидан Андрианов А.Д., Ефимов А.Л., Бутов А.В., Боева О.Ю., Глез В.М., Леднев Г.Д., Каменева А.С., Левченко М.В., Барашкоа П.В., Ярославцева О.Н., Крюков В.Ю., Сагитов А.О., Дуйсембеков Б.А., Успонов А.М., Лукина А.Б., Каменова А.С., Макаров Е.М., Баймагамбетов Е.Ж., Самагулова Ш.Б., Чудовина Л.А., Дмитриева Л.В., Кандыбин Н.В., Павлюшин В.А., Фасулати С.Р. кабилар колорадо қўнғизи популяциясининг шаклланиши, биологик хусусиятлари, энтомопатоген микроорганизмлари ва унга қарши микробиологик препаратларнинг инсектицидлик хусусиятларини ўрганган.

Ўзбекистон шароитида энтомопатоген микроорганизмларни тадқиқ этган ва шулар асосида зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш чораларини ишлаб чиққан олимлар Шарафутдинов Ш.А., Агзамова Х.К., Бабабеков К.Б., Гаппаров Ф., Нуржанов А.А., Хўжамшукуров Н.А., Жононова Р.Н., Туфлиев Н.Х. кабилар ижобий натижаларга эришган. Ушбу олимлар томонидан зараркунандаларга қарши курашишда самарадорлиги юқори бўлган биологик препаратларнинг яратилишида табиатда мавжуд энтомопатоген микроорганизмларни аниқлаш, ажратиб олиш ва зараркунандага қарши қўллаш асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо, тадқиқотлар таҳлили колорадо қўнғизига қарши энтомопатоген микроорганизмларни қўллашга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли ўтказилмаганлигини кўрсатади. Шу сабабли бу йўналишда илмий тадқиқот ишлари ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг №К10-011 «Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилишнинг экологик соф, самарали,

ресурстежамкор уйғунлашган ҳимоя тизимини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), №ФЗ-202010281 «Хавфли карантин объекти колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say) нинг энтомопатоген микроорганизмларини ўрганиш асосида уларга қарши янги биопрепаратлар ишлаб чиқиш» (2022-2024) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитида картошка экинининг хавфли зараркунандаси колорадо қўнғизининг касаллик қўзғатувчи энтомопатоген замбуруғларини аниқлаш ва уларни колорадо қўнғизига қарши қўллаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

картошка экинида учрайдиган колорадо қўнғизидан энтомопатоген замбуруғ турларини аниқлаш;

колорадо қўнғизидан ажратиб олинган энтомопатоген замбуруғларнинг айрим биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

колорадо қўнғизига қарши патогенлик ва юқори вирулентлик хусусиятларини намоён қилган замбуруғ турларининг штаммларини танлаб олиш ва кўпайтириш;

колорадо қўнғизига қарши микробиологик препаратларнинг биологик самарадорлиги ва вирулентлик тасирини аниқлаш;

танлаб олинган энтомопатоген замбуруғ штаммларини колорадо қўнғизига қарши қўллашнинг лаборатория ва дала тажрибаларида самарадорлигини баҳолаш;

колорадо қўнғизига қарши кураш чораларининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида картошка экини, колорадо қўнғизи ва унинг энтомопатоген замбуруғлари ҳамда уларга қарши қўлланилган биологик воситалар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида колорадо қўнғизининг биологик хусусиятлари, энтомопатоген замбуруғларни аниқлаш ва кўпайтириш усуллари, лаборатория скрининги, препаратларни қўллаш усуллари ва самарадорлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Картошка экинида колорадо қўнғизининг тарқалиши, зарарини ҳисоблаш ва намуналар йиғишда Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Волков, Н.В.Бондаренко усулларида, пестицидларни кичик ва йирик дала тажрибаларида синаш Ш.Т.Хўжаев келтирган усуллар асосида ҳисоблаб чиқилган, Энтомопатоген замбуруғларнинг соф культураларини табиий субстратлардан ажратиб олиш В.И.Билай ҳамда Н.Ю.Гештовт, уларни ўстириш Т.И.Громовых ва уларга ташқи муҳит омилларини таъсирини ўрганиш В.М.Гораль, энтомопатоген замбуруғларнинг турларини аниқлашда А.А.Евлахова, Э.З.Коваль, М.А.Литвинов, Н.М.Пидопличко аниқлагичларидан фойдаланилиб, танлаб олинган штаммларни ўстириш учун озика муҳитларини танлаш ва уларни кўпайтириш Н.Л.Севницкая ва А.О.Сагитов усуллари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг картошка агробиоценозида колорадо қўнғизидан 13 та энтомопатоген замбуруғ штаммлари ажратиб олинган;

соф культуралари ажратиб олинган энтомопатоген замбуруғларнинг колорадо қўнғизига нисбатан патогенлик ҳамда вирулентлик хусусиятлари баҳоланган;

ажратиб олинган замбуруғ турлари картошкали агар озика муҳитида юқори даражада, Чапек-агар ва сусло-агар озика муҳитларида яхши ўсганлиги аниқланган;

энтомопатоген замбуруғлардан колорадо қўнғизига қарши вирулентлик хусусияти юқори бўлган *Beauveria bassiana* ВТқ-28 штамми танлаб олинган;

вирулентлиги юқори бўлган *Beauveria bassiana* ВТқ-28 штаммини колорадо қўнғизига қарши 2×10^8 мл титр мақбул меъёри этиб белгиланган;

Биослип БВ 3,0 л/га ва Биослип БТ 1,5 кг/га микробиологик препаратларини колорадо қўнғизининг етук зотларига қарши қўлланилганда 60,5; 63,6% , личинкаларига 78,7; 82,7% биологик самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

энтомопатоген замбуруғларнинг штаммларини колорадо қўнғизига қарши қўллаш учун энг мақбул титри 2×10^8 мл эканлиги аниқланган;

колорадо қўнғизи миқдорини бошқаришда Биослип БВ 3,0 л/га ва Биослип БТ 1,5 кг/га биологик препаратлари қўлланилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилишига эришилган;

энтомопатоген замбуруғ штаммлари ҳамда биологик препаратларни қўллашнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқотлар ўсимликларни ҳимоя қилишда умум қабул қилинган усуллар асосида амалга оширилганлиги, хорижий ва маҳаллий давлатлар илм-фан ютуқлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар илмий-амалий жиҳатдан мослиги, дисперсион таҳлил қилинганлиги, олинган натижалар асосида тайёрланган йиллик ва якуний ҳисоботлар кафедра мажлисларида муҳокама этилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, олинган илмий ҳамда амалий натижалар республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий шароитда колорадо қўнғизидан ажратиб олинган замбуруғларнинг тур таркибини аниқланганлиги, ҳамда ушбу замбуруғларнинг патогенлик ва вирулентлик хусусиятлари баҳоланганлиги, колорадо қўнғизига қарши энтомопатоген замбуруғларни қўллашнинг мақбул муддати ва меъёрларини белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти колорадо қўнғизига қарши курашда энтомопатоген замбуруғ штаммларини ва биологик препаратларни

қўллаш ёрдамида ҳосилни сақлаб қолиш ва аҳолини экологик тоза озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Картошка экилган майдонларда колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say) нинг энтомопатоген замбуруғлари ва уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

энтомопатоген замбуруғларнинг колорадо қўнғизига қарши юқори самарадор *Beauveria bassiana* ВТқ-28 штамми танланган ва Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Фарадис хирмони” фермер хўжалигининг 2,5 га картошка майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 02 ноябрдаги 02/025-3582-сон маълумотномаси). Натижада картошка экинида колорадо қўнғизига қарши биологик усулнинг самарадорлиги 75,9 % ни ташкил этган;

колорадо қўнғизига қарши Самарқанд вилояти Жомбой туманида 44,5 га майдонга «Биослип БТ» ва «Биослип БВ» биопрепаратлари жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 02 ноябрдаги 02/025-3582-сон маълумотномаси). Натижада «Биослип БТ» (*Bacillus thuringiensis*) 82,7% ва «Биослип БВ» (*Beauveria bassiana*) 78,7 % гача биологик самарадорликка эришилган ва ўртача 1,0 га майдондан қўшимча 4,0 тонна ва 3,2 тонна картошка ҳосили олишга эришилган;

картошка экинида колорадо қўнғизи личинкаларига қарши «Биослип БТ» ва «Биослип БВ» препаратлари Самарқанд ва Тошкент вилояти картошка экилган майдонларида жами 76,0 га майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 02 ноябрдаги 02/025-3582-сон маълумотномаси). Натижада «Биослип БТ» препарати қўлланилганда рентабеллик 280,0 % ни, «Биослип БВ» препарати қўлланилганда 270,0 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 2 та республика, 1 та халқаро Scopus базасида индексацияланган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмет ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва

технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Колорадо кўнғизи ва унинг энтомопатоген микроорганизмлари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёнинг етакчи олимлар илмий ишлар натижалари ўрганилиб, колорадо кўнғизининг биологик хусусиятлари, энтомопатоген микроорганизм турлари, энтомопатоген замбуруғларнинг картошка агробиоценозида тарқалганлиги, систематик гуруҳлари ва биологик хусусиятлари ҳамда уларни ўсимликларни химоя қилиш соҳасида қўллаш чораларининг таҳлили берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларининг тупроқ, иқлим шароитлари, шунингдек, тадқиқот олиб борилган ҳудудлар тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган.

Картошка экилган майдонларда колорадо кўнғизи ҳисобини олиш В.М. Танский (1975) ва Ш.Т.Хўжаев (2014) усуллари асосида ўтказилди. Микробиологик препаратларнинг биологик самарадорлиги Аббот формуласи (Гар, 1963; Ходжаев, 2004) асосида бажарилган. Шунингдек тадқиқотларда А.А.Евлахова, О.И.Швецоваларнинг “Методы распознавания болезней насекомых” М., (1964), “Болезни вредных насекомых” (1965), “Методические указания по испытанию битоксибациллина против колорадского жука и совок на хлопчатнике” (1978), А.И.Сикуранинг “Рекомендация по применению битоксибациллина в борьбе с колорадским жуком” (1986), Я.Вейзернинг “Микробиологические методы борьбы с вредными насекомыми” (1972), Э.Штейнхаузнинг “Микробиология насекомых” (1950), “Патология насекомых” (1952), А.А.Евлахованинг “Энтомопатогенные грибы” (1974), Н.Ю.Гештовт “Энтомопатогенные грибы” (2002) услубий қўлланмаларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Картошка агробиоценозида колорадо кўнғизининг биоэкологик хусусиятлари, колорадо кўнғизининг касалланган ва нобуд бўлган намуналаридан касаллик қўзғатувчи замбуруғларни аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитида картошка экилган майдонларда колорадо кўнғизининг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш жойлари, вужудга келадиган эпизоотияларни аниқлаш, биологик материалларни йиғиш, соф микроорганизм намуналарини ажратиш, ажратиб олинган замбуруғларни турли озика муҳитларида ўстириш ва аниқланган энтомопатоген замбуруғларни колорадо кўнғизига қарши таъсирини ўрганиш тадқиқотлари олиб борилган.


Тадқиқот натижаларига кўра лаборатория шароитида йиғиб келтирилган биологик материаллардан куйидаги *Aspergillus flavus* Lk., *A. niger* V. Tieg.,

Beauveria bassiana Vuill., *Cephalosporium roseum* Oud., *C. lecanii* Zimm., *Cladosporium* sp., *C. herbarum* Pers. ex Fr., *Fusarium* sp, *F. nivale* (Fr) Ces., *Penicillium* sp., *Spicaria farinose* Fr. Vuill., *Sporotrichum densum* Fr., *S. lanatum* Petch. каби 13 та замбуруғ турлари ажратилган. Ушбу ажратиб олинган микроорганизмлар картошкали агар, Чапек-агар, сусло-агар озиқа мухитларида ўстирилди. Ажратиб олинган замбуруғ турлари картошкали агар озиқасида яхши ўсганлиги, қолган озиқа мухитларида ўртача ўсганлиги аниқланди. Колорадо қўнғизидан ажратиб олинган замбуруғ штаммларидан *B. bassiana* ВТқ-28 штамми 2×10^8 мл титрда колорадо қўнғизининг имаго ва личинкаларига қарши қўлланилганда юқори патогенлик хусусияти намоён қилди.

Диссертациянинг «Энтомопатоген замбуруғларни кўпайтириш ва уларни колорадо қўнғизига қарши қўллаш» деб номланган тўртинчи бобида турли хил озиқа мухитларида *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг культурал-морфологик хусусиятлари, патогенлигига ҳарорат ва нисбий намликнинг таъсири, вирулентлик хусусиятига сақлаш муддатининг таъсири, колорадо қўнғизига қарши патогенлик хусусияти ва энтомофагларга таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.


Лаборатория шароитида йиғиб келтирилган биологик материаллардан *Beauveria bassiana* Vuill. замбуруғи ажратиб олинди. *B. bassiana* *Cordycipitaceae* оиласига мансуб такомиллашмаган замбуруғ бўлиб, мева таналарни ҳосил қилмайди, у фақат мицелий шаклда бўлади. Пўстлоғи оқ рангдан хира оқ рангача бўлиб, кукунсимон кўринишда бўлади. Гифалари ингичка, шохланган, шохлари қарама-қарши, тўсиқлар билан тўсилмаган, эни 0,12 мкм, рангсиз. Споралари майда-майда стеригмалардан иборат, овалсимон, эни 0,15 мкм, бўйи 0,22 мкм дан иборат (1-расм).

B. bassiana ВТқ-28 штаммининг юқори патогенлигига мақбул озиқани аниқлаш мақсадида уни турли хил озиқа мухитида ўстириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Энг маъқбул озиқа мухити картошкали агар озиқаси эканлиги маълум бўлди, картошкали агар озиқасида замбуруғ юқори даражада ўсди, 7 кун ичида Петри ликопчаси юзасини тўлиқ қоплаганлиги кузатилди. Замбуруғ Чапекали агар озиқа мухитида ҳам яхши ўсганлиги кузатилди, 10 кун ичида замбуруғ Петри ликопчаси юзасини тўлиқ қоплади. Сусло-агар озиқасида ҳам яхши ўсганлиги кузатилди ва Чапек-агар озиқа мухитидаги сингари Петри ликопчаси юзасини 10-12 кунда қоплади. Олиб борилган тадқиқот маълумотларидан кўриниб турибдики турли хил озиқа мухитларида ўстирилган *B. bassiana* ВТқ-28 штамми 2×10^8 мл титрда колорадо қўнғизига қарши патогенлиги ўрганилганда картошкали агар озиқа мухитида ўстирилган замбуруғ ҳисобнинг 10-куни колорадо қўнғизларини 100 % нобуд қилганлиги аниқланди.




1-расм. Колорадо қўнғизидан ажратиб олинган *B. bassiana* замбуруғи ва унинг микроскопик кўриниши

Шунингдек Чапек-агар озиқасида ўстирилган замбуруғ культураларидаги вариантларда ҳам юқори нобуд бўлиш ҳолатлари кузатилди ва ишловдан кейинги 14-кунга келиб колорадо қўнғизининг нобуд бўлиши 92,4 % ни ташкил этди. Аксинча сусло-агар озиқасида ўстирилган замбуруғ культураларида нисбатан паст кўрсаткичларга эришилди. Бу ерда 14-кундан сўнг колорадо қўнғизининг нобуд бўлиши мос равишда 84,3 % ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Колорадо қўнғизи учун *B. bassiana* ВТқ-28 штамми патогенлигига озиқавий муҳитнинг таъсири (Лаборатория тажрибалари, 2018-2020 йй.)

Ажратиб олинган *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг патогенлигига ҳарорат ва намликнинг таъсири ўрганилди. Тажрибалар 20, 25, 30 ва 35 °С ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 40-70 % оралиғида олиб борилди. Нисбий намлик 60-70 % ва 25°С ҳароратда, ҳисобнинг 14-куни *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг патогенлиги 76,7-81,6 % ни, 30°С ҳароратда эса 79,2-84,5 % ни ташкил этди (3-расм).



3-расм. *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг патогенлигига ҳарорат ва намликнинг таъсири (Тош ДАУ, лаборатория тажрибаси, 2019-2020 йй)

Шундай қилиб оптимал ҳаво ҳарорати +25-+30 °С ва нисбий намлик 60-70 % бўлганда, *B. bassiana* ВТқ-28 штамми юқори патогенлигини намоён қилганлиги аниқланди.

Колорадо кўнғизидан ажратиб олинган *B. bassiana* ВТқ-28 штаммини дала шароитида синаш мақсадида Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Найман Агро Селект” фермер хўжалигида картошка далаларида олиб борилди. Дала тажрибалири колорадо кўнғизининг турли ёшларига қарши ўтказилди. Колорадо кўнғизининг имаголарига қарши 1×10^8 мл титрда қўлланилганда, ҳисобнинг 3, 7, 14-кунлари мувофиқ равишда, 13,6; 31,4; 47,5% самарадорликка эришилган бўлса, 2×10^8 мл титрда қўлланилганда эса ҳисобнинг 3, 7, 14-кунлари 18,6; 40,6; 51,9 % самарадорликка эришилди (1-жадвал).

1-жадвал

Картошка майдонида колорадо кўнғизига қарши *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг биологик самарадорлигини аниқлаш (Дала тажрибаси, Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Найман Агро Селект” ф/х апрел-май, 2018-2019 йй)

№	Вариант-лар	Титр	Ўртача 1 та ўсимликдаги хашарот сони, дона				Самарадорлик, % кунлари бўйича		
			Ишлов га қадар хашарот сони	Ишлов ўтказилгандан кейинги кунлар			3	7	14
				3	7	14			
Кўнғизларга									
1.	Назорат (ишловсиз)	-	4,2	4,5	4,9	5,6	-	-	-
2.	Моспилан 20% н.к. (андоза) 0,025 кг/га		3,5	1,9	0,8	1,2	49,4	80,4	74,2
3.	<i>B. bassiana</i> ВТқ-28	1×10^8	4,1	3,7	3,2	2,8	13,6	31,4	47,5
4.	<i>B. bassiana</i> ВТқ-28	2×10^8	3,9	3,4	2,7	2,5	18,6	40,6	51,9
Личинкаларга									
1.	Назорат (ишловсиз)	-	25,1	25,3	29,7	36,2	-	-	-
2.	Моспилан 20% н.к. (андоза) 0,025 кг/га		31,8	12,3	3,8	6,2	61,7	89,9	86,5
3.	<i>B. bassiana</i> ВТқ-28	1×10^8	26,4	18,2	16,1	12,2	32,6	48,6	68,0
4.	<i>B. bassiana</i> ВТқ-28	2×10^8	33,1	19,6	15,3	11,5	41,3	60,9	75,9

Личинкаларига қарши 1×10^8 мл титрда юқоридаги ҳисоб кунларида 32,6; 48,6; 68,0 % самарадорлик кузатилган бўлса, 2×10^8 мл титрда қўлланилганда

эса ҳисобнинг 3-куни 41,3; 7-куни 60,9 ва 14-куни 75,9 % самарадорликка эришилганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Колорадо қўнғизига қарши қўлланилган ҳимоя усулларининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида колорадо қўнғизи ва личинкаларига қарши Биослип БВ биопрепаратини апрел-май ҳамда Биослип БТ биопрепаратини эса август ойининг охирларида биологик самарадорлигини аниқлаш учун тажрибалар Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Равшан” фермер хўжалигида олиб борилди.

Тадқиқотларимиз давомида колорадо қўнғизи ва личинкаларига қарши Биослип БТ биопрепарати синалганда куйидаги натижаларга эришилди. Биослип БТ биопрепарати 1,0 кг/га сарф меъёрида ҳисобнинг 3, 7, 14, 21 кунлари ишловдан кейин қўнғизларга қарши мос равишда 30,9; 45,9; 58,6; 43,5 % ни; личинкаларга қарши юқоридаги ҳисоб кунларида самарадорлик 38,4; 63,6; 78,7; 64,8 % ни ташкил қилди. Ушбу биопрепаратни 1,5 кг/га сарф меъёрида ишлов берилганда самарадорлик қўнғизларга нисбатан ҳисобнинг 3, 7, 14, 21 кунлари 35,2; 53,4; 63,6; 46,9 % ни, личинкаларига юқоридаги ҳисоб кунларида 46,8; 72,2; 82,7; 72,8 % самара берди.

Тадқиқотларимиз давомида колорадо қўнғизи ва личинкаларига қарши Биослип БВ биопрепарати қўнғизларга қарши 2,5 л/га сарф меъёрида ишлов берилганда ишловдан кейин ҳисобнинг 3, 7, 14, 21 кунлари мос равишда 28,3; 44,1; 57,9; 48,5% ни; личинкаларга қарши юқоридаги ҳисоб кунларида самарадорлик бироз юқори бўлиб, 31,8; 62,4; 70,5; 64,4% ни ташкил этди. Ушбу биопрепаратни 3,0 л/га ҳисобида ишлов берилганда самарадорлик юқоридаги ҳисоб кунларида қўнғизларга қарши 45,0; 47,4; 60,5; 49,2% ни, личинкаларига қарши эса, 48,9; 67,7; 78,7; 71,7% самарадорликка эришилди.

Колорадо қўнғизига қарши курашиш мақсадида микробиологик препаратлардан Биослип БВ ва Биослип БТ препаратларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Равшан” фермер хўжалигининг 5 гектарлик ҳамда Жомбой тумани “Найман Агро Селект” фермер хўжалигининг 12 гектарлик картошка далаларида олиб борилди. Назорат вариантыда препарат қўлланилмасдан агротехник тадбирлар олиб борилди. Олинган натижаларга кўра, ўртача 210,0 ц/га ҳосил олинди. Тажириба сифатида танлаб олинган Биослип БВ препаратини колорадо қўнғизига қарши 3,0 л/га сарф меъёрида қўлланилганда, 1 гектарда 4 та қайтариқдан олинган ўртача ҳосилдорлик 242,0 ц/га ташкил қилди. Назоратга нисбатан қўшимча 32,0 ц/га юқори ҳосил олинди. Кейинги тажириба учун танлаб олинган Биослип БТ препаратини колорадо қўнғизига қарши 1,5 кг/га сарф меъёрида қўлланилганда, 1 гектарда 4 та қайтариқдан олинган ўртача ҳосилдорлик 250,0 ц/га назорат вариантыда эса ташкил қилди. Назоратга нисбатан қўшимча 40,0 ц/га юқори ҳосилга эришилди (2-жадвал).

**Колорадо қўнғизига қарши қўлланилган микробиологик
препаратларнинг ҳўжалик самарадорлиги**

(Самарқанд вилояти, 2019-2020 йй.)

№	Вариантлар	Ҳар қайтариқдан олинган биологик ҳосилдорлик, ц/га				Ўртача, ц/га	Назоратга нисбатан фарқ, ц/га
		1	2	3	4		
1	Назорат (ҳимоясиз)	221,0	203,0	214,0	202,0	210,0	-
2	Биослип БВ	234,0	247,0	246,0	239,0	242,0	32,0
3	Биослип БТ	242,0	254,0	258,0	246,0	250,0	40,0
4	Фунгиоспорин (андоза)	232,0	243,0	240,0	241,0	239,0	29,0
5	Моспилан 20 % н.к. (андоза)	256,0	263,0	262,0	254,0	258,0	48,0

Картошка экиннинг хавфли зарарқунандаси колорадо қўнғизига қарши микробиологик препаратларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар давом эттирилди (3-жадвал).

Картошка экиннинг хавфли зарарқунандаси колорадо қўнғизига қарши курашда дала тажрибаларида қўлланилган препаратларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида Биослип БВ 3,0 л/га. ва Биослип БТ 1,5 кг/га нормаларда биологик препаратлар ишлатилган вариантлар бўйича чиқарилди (3-жадвал).

Бунда 1 вариант биологик ишлов берилмаган назорат варианты сифатида, 2 ва 3 вариантлар Биослип БВ ва Биослип БТ биопрепаратларини колорадо қўнғизига қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш учун белгиланди. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти шароитида ўтказилди.

Назорат вариантыда колорадо қўнғизига қарши ҳеч қандай ишлов ўтказилмади. Шунингдек, картошка экинида агротехник тадбирлар ҳам маълум меъёрлар асосида олиб борилди. Мавсум сўнгида етиштирилган ҳосил, кураш чоралари сарф ҳаражатлари ва умумий сарф ҳаражатлар ҳисоб қилинди.

Тажрибада Биослип БВ биопрепаратини 3,0 л/га сарф меъёрда қўллаганимизда, ҳосилдорлик 242,0 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 13 215 000 сўмни, рентабеллик эса 270% ни ташкил этди. Биослип БТ биопрепаратини 1,5 кг/га сарф меъёрда қўллаган вариантда эса ҳосилдорлик 250,0 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 15 728 000 сўмни, рентабеллик 280% ни ташкил этди.

Биослип БВ биопрепарати ишлатилган вариантда, қўшимча ҳосил 32,0 ц/га ни, Биослип БТ биопрепарати қўлланилган вариантда қўшимча ҳосил 40,0 ц/га ни ташкил этди.

3-жадвал

Колорадо кўнғизига қарши қўлланилган препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги (Самарқанд вилояти 2019-2020 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		Назорат (ҳимоя қилинмаган)	Биослип БВ	Биослип БТ
1.	Ҳосилдорлик, ц/га	210,0	242,0	250,0
2.	Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	-	32,0	40,0
3.	Бир гектарга сарфланган препарат миқдори, л, кг/га	-	3,0	1,5
4.	Бир гектарга сарфланган препаратнинг умумий нархи, минг сўм/га	-	285,0	142,5
5.	Бир гектарни ҳимоя қилишга кетган хизмат ва трактор ҳақи, минг сўм	-	50,0	50,0
6.	Кўшимча ҳосилни йиғиб, ташишга кетган сарф, минг сўм/га	-	80,0	80,0
7.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳамда кўшимча ҳосил йиғим-теримига кетган умумий сарф, минг сўм/га	-	415,0	272,0
8.	Ҳосилни етиштириш учун қилинган умумий сарф, минг сўм/га	35000,0	35000,0	35000,0
9.	Жами сарф, млн сўм/га	35000,0	35415,0	35272,0
10.	Бир гектардан олинган ҳосилнинг нархи, минг сўм	84000,0	96800,0	100000,0
11.	Кўшича ҳосилнинг қиймати, минг сўм/га	-	12800,0	16000,0
12.	Шартли соф фойда йиғиндиси, минг сўм/га	49000,0	61385,0	64728,0
13.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик минг сўм/га	-	13215,0	15728,0
14.	Сарфланган бир сўм оқланиши, марта	-	2,7	2,8
15.	Ҳимоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги), %	-	270	280

Изоҳ: 2020 йилда 1 кг картошка нархи 4000 сўм бўлган.

Шундай қилиб, картошка экинини колорадо кўнғизидан ҳимоя қилишда юқоридаги препаратлар билан ишлов берилса, юқори биологик ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини тажрибаларимизда аниқладик. Олиб борган дала тажрибаларимиз асосида картошкани колорадо кўнғизидан ҳимоя қилиш учун Биослип БВ 3,0 л/га. ва Биослип БТ 1,5 кг/га. меъёрда қўллашни ишлаб чиқаришга тавсия этамиз.

ХУЛОСАЛАР

«Колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say) нинг энтомопатоген замбуруғлари ва уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги

докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан йиғилган 5185 та колорадо қўнғизи намуналаридан жами 13 та замбуруғ турлари ажратилди, улар орасидан вирулентлик хусусиятига қараб *Beauveria bassiana* ВТқ-28 штамми колорадо қўнғизининг етук зот ва личинкаларига қарши юқори патогенлик хусусиятини намоён қилди.

2. Картошка-агар ва Чапек-агар озиқаларидан фойдаланиш колорадо қўнғизига нисбатан замбуруғ патогенлигини оширди. Оптимал ҳаво ҳарорати 25-30°C ва нисбий намлик 60-70 % бўлганида, *B. bassiana* ВТқ-28 штаммининг патогенлиги ошганлиги маълум бўлди.

3. Колорадо қўнғизининг турли ёшларига нисбатан ВТқ-28 штаммини 2×10^8 мл титрда қўллаш зараркунанда личинкаларига нисбатан 14-куни 75,9 % биологик самарадорликни намоён қилди.

4. Биослип БТ биопрепаратини апрел-май ойларида 1,5 кг/га меъёрида ишлов берилганида, колорадо қўнғизи личинкаларига қарши биологик самарадорлик 76,0 % ни ташкил қилди. Биослип БВ биопрепаратини апрел-май ойларида эса 3,0 л/га меъёрида сарфлаб ишлов берилганида, колорадо қўнғизининг личинкаларига қарши биологик самарадорлик 78,7 % эканлиги аниқланди.

5. Биослип БТ биопрепаратини август ойининг охирларида 1,5 кг/га меъёрида ишлов берилганда, колорадо қўнғизининг личинкаларига қарши 14-куни биологик самарадорлиги 82,7 % ни ташкил қилди. Биослип БВ биопрепаратини август ойининг охирларида 3,0 л/га меъёрда сарфланганда, колорадо қўнғизининг личинкаларига қарши ҳисобнинг 14-куни биологик самарадорлик 72,4 % ни ташкил этди.

6. Картошка экинида колорадо қўнғизига қарши Биослип БВ биопрепаратини 3,0 л/га сарф меъёрда қўллаганимизда, ҳосилдорлик 242,0 ц/га., иқтисодий самарадорлик гектарига 13 215 000 сўмни, рентабеллик 270% ни ташкил этди. Биослип БТ биопрепаратини 1,5 кг/га сарф меъёрда қўллаган вариантда эса ҳосилдорлик 250,0 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 15 728 000 сўмни, рентабеллик 280% ни ташкил этди.

7. Колорадо қўнғизидан ажратиб олинган *B. bassiana* ВТқ-28 замбуруғ турини ялпи кўпайтириш ва қўллашда картошка агар озиқасидан фойдаланиш тавсия этилади.

8. Картошкани колорадо қўнғизидан экологик хавфсиз ва самарали химоя қилишда *Beauveria bassiana* замбуруғининг маҳаллий штаммидан (*B. bassiana* ВТқ-28) ажратиб олинган “Баверин-Узб.” микробиологик инсектицидини амалиётга тавсия этилади.

9. Колорадо қўнғизининг ҳамма ривожланиш босқичлари битта ўсимликда ўртача 5-10 тагача учраганда “Биослип БТ” биопрепаратини 1,5 кг/га, “Биослип БВ” биопрепарати эса 3,0 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/04.03.2022.QX.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАЛАНДАРОВА МАФТУНА МАЖИТОВНА

**ЭНТОМОПАТОГЕННЫЕ ГРИБЫ КОЛОРАДСКОГО ЖУКА
(*LEPTINOTARSA DECEMLINEATA* SAY) И РАЗРАБОТКА СПОСОБОВ
ИХ ПРИМЕНЕНИЯ**

06.01.09 – «Защита растений»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/Qx386

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Анорбаев Азимжон Раимкулович Доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Холдоров Мирхалил Ўразбекович Кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт растениеводства

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 по присуждению учёных степеней при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университет, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; Факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz здание Ташкентском государственном аграрном университете, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном аграрном университете (зарегистрирована за номером _____). (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университет, дом 2. Тел: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.

(реестр протокола рассылки номер _____ «___» _____ 2022 года.)

Д.А.Кадирова

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., доцент

Н.И.Шадиева

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

Х.М.Шукуров

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., старший научный
сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется большое внимание возделыванию картофеля и защите его от вредных организмов. “В качестве пищевого и промышленного продукта картофель выращивается более чем в 160 странах на 16,49 млн га площади, и ежегодно для потребления получают более 300 млн тонн картофеля. В мире в 2020 году на первом месте по производству картошки стоит Китай с 100 млн. тонной в год, в последующих местах Индия, Россия, Украина, США и Германия”¹. На сегодняшний день в странах-производителях картофеля одним из вредителей негативно влияющих на урожай картофеля и наносящих большой экономический ущерб является колорадский жук, и для предотвращения его вреда усовершенствование методов против вредителя посредством выделения штаммов энтомопатогенных грибов из колорадского жука из агробиоценозов картофеля, определение их патогенных и вирулентных свойств является одним из важных в мировом масштабе задач.

В некоторых странах мира проводятся многочисленные исследования по выделению энтомопатогенных микроорганизмов колорадского жука (*Leptinotarsa decemlineata* Say) из посевов картофеля, снижения его вредоносности и сохранению до 85-90% урожайности. В этой связи, научные исследования, направленные на определение оптимальных сроков и норм использования энтомопатогенных грибов против колорадского жука, посредством определения видового состава грибов, выделенного в естественных условиях из колорадского жука и определения патогенных и вирулентных свойств этих энтомопатогенных грибов, имеет важное значение.

В нашей республике в направлениях усовершенствования системы защиты картофеля от колорадского жука для выращивания экологически чистого продукта картофеля осуществляются важные мероприятия и достигнуты определённые результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные стратегические задачи «3.3... по разработке и реализации мероприятий по защите растений от болезней и вредителей». В этой связи, одним из основных факторов повышения и поддержания урожайности выращиваемого картофеля является разработка и внедрение мероприятий по борьбе с его вредителями и болезнями.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-0605 "О дополнительных мерах по обеспечению соответствия международным стандартам показателей качества и безопасности сельскохозяйственной продукции" от 19 мая 2020 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-5185 "О создании

¹<https://www.statista.com/statistics/625120/global-potato-area-harvested>. Potato area harvested worldwide 2020.

агентства по карантину и защите растений Республики Узбекистан" от 15 июля 2021 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

